# МУОШАРАТ ОДОБИ

**Оиланинг ахлоқий масалаларига олим ва муаллимлар қадимдан катта эътибор бериб, эрнинг, хотиннинг ва болаларнинг одобига оид асарлар ёзганлар. Охунд Лутфуллоҳ Сулаймоний қизи Олимату-л-банотнинг «Муошарат одоби» рисоласи шундай асарлардан бўлиб, хотиннинг оилавий вазифасини баён этишга бағишланган ва унда оилани мустаҳкамлашга қаратилган фойдали фикрлар баён этилган. Рисоланинг бизга икки нашри маълум. Ҳар иккиси Санкт-Петербургда, биринчиси 1898, иккинчиси 1899 йилда нашр этилган. Рисоланинг муаллифаси ҳақидаги бир маълумот Гизоуддин ибн Фахриддиннинг «Машҳур хотунлар» (Оренбург, 1904) деган китобидаги қуйидаги сўзлардан иборат: Олимату-л-банот — Хон Кермон ноҳиясинда имом Муҳаммад Ориф ибн Бектемир халиласи (хотини)дир. Олима ва фозила бир хотун ўлуб, ёзуви дуруст, иншоси такаллуфсиздир. «Муошарат одоби» ном матбуъ (босма) асари фойдали ва гўзал бир асардир. Умрни авлод-и муслиминни таълиму тарбия этмак-ла кечирур деюрлар (289-290-бетлар). Асар аралаш туркий тилда ёзилган. Рисолани Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий ходими Тешабой ЗИЁЕВ ҳозирги ўзбек тилига табдил қилиб нашрга тайёрлади.**

### ҚАЙНАНАЛАР БИЛАН КЕЛИНЛАР ОРАСИДА БЎЛГАН ОДОБ БАЁНИДА

Ислом шариатида илм ва эзгуликлар ҳақида кўп ёзилган. Унда ҳар кимнинг тушуниши енгил бўлган «сени севган кишини сен ҳам сев» деган бир қоида ҳам бор. Келинлар ҳақида сўз кетганда бу қоидани хотиротда тутиш лозим бўлгани учун сўз бошида зикр айладик.

Жанжал ва душманлик бўлган уйда роҳат бўлмаслиги ҳар кимга маълумдир. Жанжал ва душманлик қандайдир бир вақтда қайнаналар билан келинлар орасида бўлади. Гарчи бу иш бошида оз ва эътиборга лойиқ бўлмаса ҳам, муносиб даражада бости-бости қилинмаса, унга чек қўйилмаса, бора-бора зўрайиб кетади ва турли-туман зарарларни келтириб чиқаради. Боболаримиз «ўтнинг боши бир учқундир», деганлар.

Энди қайнаналар, уй ичида кўп яшаган ҳурматли кимсалар бўлганликлари учун ўзларининг билганлари ва тадбиркорликлари билан келинларига яхши одатларни тушунтирмоқ, қиз болаларига берадиган каби гўзал одобларга ўргатмоқлари лозимдир, Бунинг аксини қилсалар, уларга жабр ва зулм қилган бўладилар, бу эса айб ҳам гуноҳдир.

Кўзингиз нури каби кўриб ўстираётган қизларингиз, сизнинг тарбиянгиздан айрилиб, бир кунда чет юртларга ва билмаган кимса орасига келин бўлиб кетадилар. Шу қизларингизнинг хуш тириклик ва роҳатда умр кечиришларини кўрсангиз, нақадар шодланурсиз ва нақадар севинурсиз: агарда уларни оёқ остида, зулм ва жафо ичида кўрсангиз, қон ёшларингизни тўкиб қайғурурсиз, уни қутултирмоқ учун тиришурсиз. Шундай эмасми? Сизга келин бўлиб тушганлар ҳам бировларнинг кўз қораси ва умрининг сармоясидирлар. Улар ҳам қизларини роҳатда умр кўришларини истаб, қора хабарларни эшитишга ҳеч рози эмаслар. Шунинг учун сиз, қайнаналар ўзингиз хуш кўрган, севган нарсани биров ҳам севмоғини ўргатингиз. Бу бир ақлдирки, олтунларга алмаштирилмас. Баъзи бир қайнаналар борки, келинларини ҳар вақт хўрлайдилар. Уларнинг қилган ишларидан, айтган сўзларидан айб топиб турадилар, фурсат келганда ўғилларига ёмонлаб, ёмон кўрсатишга тиришадилар. Сўнгра ўғилларини хотинидан воз кечмагини талаб қиладилар, воз кечмаса, алоҳида яшагин, деб зўрлайдилар, кўп заҳмат чектирадилар. Шу сабабли ҳеч бир ўринсиз бир хонадоннинг бахти кетади, ораларига душманлик тушади. Ҳаётлари аччиқ бўлиб, дунёлари лаззатсизланади, охирда бу уй аҳли тарқалиб вайрон бўлади. Ҳолбуки, бунинг асл сабаби, қайнананинг хулқсизлигидан бошқа нарса эмас. Улар дунёда туражак уч-беш кунлик умрда, чечак отмоққа, мева бермоққа ҳозирланган ёшларнинг умрларига оғу қўшиб, роҳатларига заҳар соладилар. Бундай ақлсиз хотунларга ҳаёт вақтида ҳеч ким раҳмат айтмайди, ўлганларидан кейин ҳам уни соғинмаслар, чунки соғинадиган кишиларнинг кўнглини қуритиб кетганлар.

Аммо яхши қайнаналарни одамлар раҳмат билан ёдлаб қўядилар. Ибрат ва ўрнак этиб кўрсатадилар. Шулар жумласидан менинг қайнанам Тўтиё Файзуллоҳ қизи эди. Оллоҳ таоллоҳ раҳмат қилсин! Уй ичида ақл ва шафқат билан тадбир этгандан, илм ва амалдан лаззат олар эди. Келини бўлганим ҳолда мен фақирдан илм ўрганар эди. Ул зот эзгу хотунларнинг бириси бўлиб, оллоҳ таоллоҳ неъматларига шукр этиб дунёдан ўтди.

## Жума ўгитлари

Қайнаналарга шафқат ва марҳаматли бўлмоқ лозим бўлгани каби, келинларга ҳам ўзларининг қайноналарига итоат этмоқ, хизмат қилмоқ гўзал иш бўлмоғига шубҳа йўқдир. Шундай қилиб, яхши хизматлар этиб қайин оналардан дуо олган келинларга бир кун ўз келинлари ҳам хизмат қиладилар. «Хизмат этган, хизмат кўрур» деганлар.

Яхши ҳаёт кечиришни келинлар истаганлари каби, қайнаналар ҳам неча йил тарбиялаб ўстирган ўғлонлари учун гўзал турмушни умид этсалар керак. Келинлар ҳам уларни туққан оналари мисолида кўриб хизматлари ила ризо қилсалар, ҳар икки тарафнинг вазифаси комил этилган бўлади. Шу сабабдан ўша уйнинг ҳусни маишати кўркам, тириклиги ҳам ўз ўрнида бўлади.

### ЎГАЙ БОЛАЛАР, ЎГАЙ КЕЛИНЛАР ҲАҚИДА

Хотунларнинг ақллиги, софдиллиги ва эзгулиги ўгай болалар, ўгай келинлар орасига келган вақтида маълум бўлади. Шу вақтда ўзини ўгайларга муҳаббатли кўрсатишга тиришади. Аста-секин бир сўз билан уйни тикламоққа ҳаракат қилади. Шунинг билан уйнинг ичида бир низом ва тадбир жорий этиб, душманлик чиқарувчи сабабларни тугатади. Агарда бошда бир қадар тиришиб тартибга солса, умр борича роҳатда яшаб кўп хотунларнинг ўз болаларидан кўра олмаган хизмат ва роҳатларини бу хотун ўгайлардан кўради. Ҳаттоки, баъзи бир хотунлар бўладики, олдин товуш ва душманлик бўлган хонадонга келиб кирмаги билан, шу товушларни сўндириб, тинчликка айлантириб юборурлар. Бундай хотунлардан дунё ҳам кўз юмиб турмас, балки буни кўрадилар ва ҳар ким раҳмат ўқиб мадҳу сано қилурлар. Марҳаматли оллоҳ таоллоҳ бунга охиратда ўзининг чексиз савобларидан улуш чиқаради.

Баъзи бир хотунлар бўладики, ўгайлар орасига келиб киргандан кейин, хонадонда товуш қалқийди, кўркам тириклик кўтарилади...

### БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯ ЭТМАК ҲАҚИДА

Болаларни тарбия қилмоқ ислом шариатимизнинг биринчи даражада эътибор этган масъаласидир. Лекин биз бу ўринда ёлгиз баъзи бир риояси лозим бўлган одобларнигина зикр этамиз.

Бола дунёга келганда энг аввал эшитган товуши оллоҳ таоллоҳнинг исми бўлиши лозимдир. Шунинг учун унинг қулоғига азон ўқилади. Ундан сўнг асал ёки хурмо ёки бошқа нарса билан боқа бошланади. Еттинчи кунда сочи олиниб, сочи оғирлигида кумуш ёки олтун садақа берадилар. Шу куни исм берадилар. Берилажак исм яхши ва таъсирли бўлиши лозим. Шунинг учун болага бериладиган исмни чол-кампирлар эмас, олим-имомлар сайлаб қўядилар. Ва яна шу еттинчи кунда эр бола учун икки, қиз бола учун бир қўй қурбон қилинади. Буни эса «ақиқа қурбони» деб атайдилар. Бу қурбоннинг бутуни бувага берилади, қолганини фақирларга тарқатилади. Ҳеч нарсаси синдирилмай, балки бўғинларидан ажратилади. Қурбонликқа аталган қўй ақиқага сўйилса ҳам дурустдир. Ақиқа қурбони боланинг саломат бўлмоғига сабаб бўлар эмиш.

Мумкин бўлганда болани ўз онаси эмизиши лозим, чунки бола учун она сути қадар яхши нарса бўлмас. Онасининг эмизиши мумкин бўлмаса, у вақтда бир эзгу хотун топиб унга берилади. Бола эмизувчи хотун (сут онаси)нинг ёши йигирма беш билан ўттиз орасида бўлса яхши бўлади. Сут онаси эзгу, кўркам хулқли, аъзоси саломат бўлмоғи лозим. Аччиқланувчан, куйгирувчан хотунлар сут она бўлмоғи мақсадга мувофиқ эмас. Болани тарбия этганда покликка риоя қилмоқ жуда ҳам муҳимдир.

Ота-оналар қўлида болалар азиз омонатлардир. Шунинг учун болани гўзал тарбия этмоқ, яхши хулқларга ва кўркам одатларга ўргатмоқ лозим бўлади. Тарбия ила болани олтин этмаклик ҳам, тупроқ қилмоқ ҳам мумкин. Буларнинг ҳар иккисига ота-оналари сабаб бўладилар. Энди, фикр ва эътибор қилинсун! Болаларни тарбия этувчи оналарнинг ўзлари олган тарбиялари, билган нарсалари қандай даражада бўлмоғи лозим. Гапира бошлаши билан, болаларга ўз тилимиз «туркча» билан иймон ўргатилади, ал-ҳамду, оятул курси каби сура, оятлар ҳам ёдлатилади. Ушбу вақтдан бошлаб ислом одоблари билан болаларни тарбия этиш бошланади. Тарбия хусусида тиришмоқ жуда ҳам зарурдир, чунки бу чоқда болалар тол новдаси каби қаёққа букса, ўша ёққа букилади.

Олти, етти ёшга тўлганда — ўқитиш бошланиб, мактабга ҳам юбориладилар. Ушбу ёшларда қизлар билан эр болаларни айрим ётиш ва ухлатишга ўргатилади. Намоз ўқимоқ лозимлиги ҳам билдирилади. Ҳамиша болаларнинг хулқларини тузатишга ҳаракат қилинади. Хулқсизлик, хусусан, тез аччиқланмоқ, йўққа қайғурмоқ каби нарсалар хасталик жумласидандир. Шунинг учун уларни битиришга ғайрат қилмоқ лозимдир.

Болалар учун бир-бирисини қўрқитмоқ, қўрқитадиган қилиб ҳикоялар сўзламоқ жуда зарарлидир. Шунинг сабабли, ҳаттоки болалар тунлари ўз сояларидан ва ёки бошқа соялардан қўрқа бошлайдилар. Ётгач ухлай олмай, ухласа ҳам роҳатсизланиб (безовталаниб) қўрқинчли нарсалар билан довдираб уйғонадилар. Бунинг натижасида бир хасталик келиб чиқади.

Ўшандоқ болаларнинг танлари, уст-бошлари пок, тирноқлари ҳам олинган бўлмоғи лозим. Кийим киймоқ, ошамоқ, ичмоқ ва катталар билан ўтирмоқ одобларини билдирмоқ ҳам зарурдир.

Овқатланаётган вақтда ҳамиша силкиниб, қимирлаб турмоқ, қош ва кўзлари билан ишора қилмоқ, кийим ва аъзолари билан ўйнамоқ, четга айланиб қарамоқ ёки кишининг овқатланишига қараб турмоқ, таяниб керилмоқ, кишилар ва овқатга қараб йўталмоқ, ёнида бўлганлар билан яширин сўзламоқ, кичқириб кулмоқ, ортиқ қичқириб ёки эшиттирмай секин сўзламоқ, катталар ёнига кирганда қўлига соябон ёки таёқ тутиб кирмоқ каби нарсалар жумласи адабсизликдир. Шулардан болаларни сақламоққа ижтиҳод қилинади.

Болаларга марҳаматли бўлмоқ, кўнгилларини топмоқ улуғликдир. Совға берганда кичкиналардан ва қизлардан бошлаб бермоқ одобдир. Тақиқланмаган ўйинларга рухсат берилади. Зеҳн ва хотиротни яхшилашда ўйиннинг фойдаси бордир.

### УЙ ТУТМОҚ ҲАҚИДА

Ислом шариатимиз ҳар қачон поклик ва софликка ундайди. Воқеан пок бўлганда бир роҳатлик ҳам бордирки, ҳар ким ўзи синаб кўрган бўлса керак. Шунинг учун уй ва хоналарни чўп-хаслардан, чанг-тупроқлардан супуриб туришга одат этмоқ лозимдир. Ўшандоқ идиш-товоқ, қошиқ-пичоқ, қозон, самовар ва шу кабиларни ҳар доим пок этиб турмоқ зарурдир.

Ўргимчак уяларини олмоқ ва уй атрофларини соф тутмоқ хотунларнинг энг катта вазифалари ҳисобланади. Ҳар нечук бўлса-да мусулмон кишига пок турмуш қурмоқни шариат буюради.

Балиқларнинг сувсиз тура олмасликларини ҳар ким билади. Шунинг каби бизлар ҳам дунёда яшамоғимиз учун ҳавога муҳтожмиз. Нафасимиздан эски ҳавони чиқариб, янги ҳавони ичга юбориб турамиз. Ҳаводан бошқа тириклик мумкин эмас. Эски ва исланган сувларда балиқлар ўлганлари каби, ҳаво ночор ва бузуқ бўлса, одамларда ҳам хасталик ва ранжулик зоҳир бўлади. Шунинг учун яшай турган ўринларни, хусусан, уйларнинг ичларини ювиб қуритмоқ, ис ва шу каби нарсалардан соф этмоқ керак. Фурсати билан деразаларни очиб, уйнинг ҳавосини алмаштирмоқ фойдалидир. Шунингдек ортиқ иссиқ бўлмаган қуёшда юрмоқнинг ҳам фойдаси бор. Уйнинг кичкиналиги сабабли мойчироқ, шам ва ёки одамларнинг нафаслари билан ҳаво бузилса, у вақтда эшик очиб бўлса ҳам ҳавони янгиламоқ лозим. Лекин терлаган ҳолда очиқ дераза олдида ўтирмоқ зарарлидир. Янги солинган уйларда бўёқлар тамом қуриб кетмасдан яшамоқ ҳам зарарлидир.

### БАЪЗИ БИР ОДОБЛАР ҲАҚИДА

Кечаси, «Бисмиллоҳ» ўқиб, эшикларни беркитмоқ, деразанинг пардаси бўлса, туширмоқ, чироқларни ўчирмоқ лозим. Ўчоқ, самовар, чўлмак (тандир ичига қўйиб олинадиган мўнди шаклидаги қозон) каби ўт туширувчи нарсаларга яхши қараб, тўлуқ сўндириб битирмак; эт, мой иси бўлган қўл, оғизларни ва бошқа нарсаларни ювиб тозаламак ҳам одобдир.

# ФИДОЙИ САНЪАТКОР

**Мухторжон акани санъаткорлар уста, деб аташади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, «Фарғона тонг отгунча»дек ўлмас қўшиқ яратган бастакор умри ўз асаридек боқий бўлади.**

Мухторжон Муртазоев 1909 йилда Нурсух қишлоғида дунёга келди. У эндигина ақлини таниётган маҳалда отаси Муртазохон тўсатдан оламдан ўтди. Рўзғорни тебратиш ёш Мухторжон зиммасига тушди.

Ҳаёт қанчалик қийин бўлмасин, Мухторжон ўз қалбида қўшиққа бўлган муҳаббатни сезар, пана-панада ўзича қўшиқ айтарди. Унинг истеъдоди секин-аста тенг-тўшлари, маҳалла-кўй орасида тарқалиб оғизга тушди.

Машҳур танбурчи Муҳиддинҳожи Нажмиддинов Мухторжонга кўп меҳрибонликлар кўрсатиб, уни ўз тарбиясига олди. Музика илмидан дарс берди. Фарғона созчолғу куйларини асосан ана шу санъаткордан ўрганганлигини ҳозир ҳам хотирлайди.

Мухторжон ака ўша даврдаги колхоз-совхоз театрларида ишлаш билан бир қаторда, Қўқондаги ёш томошабинлар театрига ҳам тез-тез бориб, уларнинг ижодий ишларига кўмаклашарди.

1933—1936 йиллар мобайнида Ҳамза номидаги Қўқон театрида драматик асарлар билан бир қаторда «Ичкарида», «Аршин мололон», «Ҳалима» каби музикали драмалар қўйилиб, Мухторжон ака бу спектаклларнинг музикасини саҳналаштиришда фаол қатнашди. 1939 йилда Мухторжон ака бошлиқ театрнинг концерт бригадаси Катта Фарғона канали қурувчиларига бадиий хизмат кўрсатиш учун юборилди.

1942 йилда Мухторжон ака Ўзбекистон санъат ишлари Бош бошқармаси томонидан Янгийўл театрига ишлашга таклиф қилинди. Бу даврда республикадаги таниқли шоир ва санъаткорлар шу ерга тўпланган эдилар.



СУРАТДА: Мухторжон Муртазоев (ўртада) шогирдлари даврасида

Шу йилларда театрда бирин-кетин «Тоҳир ва Зуҳра», «Фарҳод ва Ширин», «Муқанна», «Қўчқор Турдиев» каби қатор спектакллар саҳнага қўйилиб, улардаги арият, дуэтларни ўзлаштиришда Мухторжон ака артистлардан Абдуллажон Охунов, Саттор Ярашев, Фароғат Раҳматовага катта ёрдам берган. Мухторжон ака Янгийўл театрида ишлаб юрган кезларида ўз устида тинимсиз ишлаш билан бирга, ижодий изланиш, янги-янги қўшиқлар яратишни давом эттирди. Бастакорнинг халқ ичида кенг тарқалган «Таманно», «Жоним эрурсан», «Нигорим», «Эй, кўнгил», Фарҳод ГЭСи қурувчиларига бағишлаб яратган «Бағринггa Фарҳодинг келур» каби қўшиқлари худди ўша йилларда яратилган.

1969 йилда Мухторжон ака устози Юнус Ражабийнинг таклифига биноан Тошкентдаги Ўрта Осиё овозларни грампластинкага ёзиш студиясига катта музика муҳаррири лавозимига ишга олинди. Бу вақт Юнус ака ўзбек халқ музикасининг олти томлигини яратиш ва уни грампластинкага ёздириш устида иш олиб бораётган эди. Мухторжон ака бу гал «Шашмақом»нинг олти томлиги билан чуқур танишиб чиқди, уни ижро этиш йўлларини янада пухта ўрганди.

Мухторжон Муртазоев музика соҳасида баракали ижод қилган муаллиф бўлиши билан бирга, ўнлаб ажойиб хонанда ва созандаларнинг устози ҳамдир. Булар орасида Ўзбекистон ССР халқ артистлари Муроджон Аҳмедов, Таваккал Қодиров, Сабохон Каримова, Ҳафизахон Иброҳимова, Жалолхон Охунов, республикада хизмат кўрсатган артистлар Убайдулла Мадраҳимов, Эргашхон Мирмаҳмудова, Хурсаной Умарова, Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист Мавлонжон Қурбонов, хонандалар Назиржон Назаров, Абдулатиф Холдоров, Раҳимжон Камолов халқ олқишига сазовор бўлганлар.

Янги-янги музика, қўшиқлар яратиш Мухторжон аканинг ҳаётдаги мақсадидир. Биз, у кишини 80 ёши билан қутлаб, истеъдодли бастакорга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва улкан ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

**Алижон УМАРОВ,**
**театршунос**

# «ЎЗБЕК ТИЛИДА ИШ ЮРИТИШ»

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида» деган қонунида қуйидаги сатрлар бор: «Ўзбекистон ССРда муассаса, корхона, ташкилот ва бирлашмаларда иш республика давлат тилида юритилади...» Мазкур қонун қабул қилинганига ҳам ўн ой бўлди. Аммо «муассаса, корхона, ташкилот ва бирлашмаларда иш республика давлат тилида» юритилаяптими? Бу саволга дангал ижобий жавоб беришга ҳали анча бор. Чунки бундай ташкилот, корхона, муассасалар жуда кам.

Шулардан келиб чиққан ҳолда бир савол туғилади: ўзбек тилида, яъни жумҳурият давлат тилида иш юритишни биламизми? Айтайлик, ишончнома, мажлис баёни, хизмат хатлари, шартнома, тавсиянома ва ҳоказолар ўзбек тилида қандай ёзилади? Меҳнат дафтарчаси, шахсий ҳужжатлар йиғмажилди қандай тўлдирилади?

Очиғини айтганда, кўпчилигимиз буларни яхши билмаймиз. Чунки узоқ йиллар давомида барча ишларни рус тилида олиб бориб, шунга ўрганиб қолганмиз. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, уларни бажариш оғир кечмоқда.




Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси коллективи шуларни назарда тутиб хайрли ишга қўл урди. «Ўзбек тилида иш юритиш» деб номланган китобни нашрдан чиқарди. Н. Маҳмудов, А. Мадвалиев, Н. Маҳкамов, М. Аминов қаламига мансуб бу китобда мавжуд муассасаларда энг кўп қўлланиладиган ҳужжатлар, умуман иш юритиш фаолияти масалалари ҳақида ёзилган. Хизмат ҳужжатларини тузиш ва ёзиш тартиб-қоидалари намуналари билан кўрсатилган, иш юритишга оид атамалар луғати ҳам берилган.

Иқтисод фанлари доктори Нурислом Тўхлиев таҳрири остида босилган мазкур китоб ўз муассасасида, ташкилот ва корхонасида жумҳурият давлат тилига қатъий амал қилишни, барча ишларни ўзбек тилида олиб боришни хоҳловчи мутасадди ўртоқлар учун, умуман кенг жамоатчилик учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин. Зеро, китобда ариза, таржимаи ҳол, таклифнома, шахсий варақа тўлдириш, тилхат, телеграмма ва бошқа шахсий характерга эга ҳужжатларни ёзиш ва тўлдириш йўл-йўриқлари ҳам намуналари билан кўрсатиб ўтилган.

# «ОГОНЁК» КУТУБХОНАСИДА




«Ҳамид Олимжоннинг асарлари шеъриятсевар одамлар бор барча жойларда яшамоқда». Атоқли рус шоири Николай Тихонов Ҳ. Олимжон ижодига ана шундай содда ва холис баҳо берган эди.

Дарҳақиқат, шоирнинг «Ўзбекистон», «Офелиянинг ўлими», «Қамал қилинган шаҳар тепасидаги ой» каби шеърлари, халқ ижоди намуналари асосида яратилган шеърий асарлари, «Муқанна» пьесаси ўзбек халқи маънавий оламини бойитишда катта хизмат қилди. Улкан адибнинг асарлари қардош халқлар ва хорижий тилларга кўп марта таржима қилинган. Шоирнинг 80 йиллиги муносабати билан унинг ижоди намуналари яна бир қанча тилларда босилиб чиқди. «Правда» нашриётида шу йили «Огонёк» кутубхонаси» силсиласида 150 минг нусхада нашр этилган «Ўрик гуллаганда» мажмуаси Ҳ. Олимжоннинг рус тилидаги навбатдаги китобидир. Тўпламдаги шеърларнинг таржималари Л. Пеньковский, В. Державин, С. Липкин, И. Лиснянская, Р. Моран, К. Арсенева, А. Шпирт, С. Сомова қаламига мансуб. Китобда шоирнинг қисқача таржимаи ҳоли берилган.

Мажмуани шоир Собит Мадалиев тузган.

## Мадад чопари

# ҚАДР ҚАНИ?

Сизлардан мадад истаб мактуб ёзаяпман. Мен Ҳазорасп пахта тозалаш заводида оддий ишчи бўлиб ишлайман. Заводда иш мавсумий бўлганлиги сабабли майдан сентябргача бўш юрамиз. Бу давр учун ҳақ тўланмайди. Турмуш ўртоғим Барчиной Матёқубова яқинда оғир касалликдан сўнг 40 ёшида вафот этди. Олтита бола билан қолдим. Учта боламга бериладиган нафақа билан кун кўраяпмиз. Жуда қийналиб кетдим. Район социал таъминоти бўлимига учрашсам, «Хотинингиз ҳеч қаерда ишламаган, камида етти йил ишлаган бўлиши керак эди», деган жавобни олдим. Ахир олти болани боқиш, тарбиялаш бемор аёл учун етарли эмасми?

Хотинимнинг қабрини кооперативчилар солган эди. Ҳали унинг пулини ҳам тўлолганим йўқ. Завод директори Ўктам Хўжаевнинг олдига ёрдам пули сўраб кирсам, аризамга 100 сўм, касаба уюшмаси эса, 20 сўм берилсин, деб ёзиб берди. Ўн беш йилдан буён заводда ишлаб бошимга кулфат тушганда улардан ёрдам сўрасаму, атиги 120 сўм беришса. Алам қиларкан, кишига...

Ҳазорасп шаҳар Советига марҳум хотиним учун нафақа олишга борсам, у ердагилар «Биз фақат ўлими ҳақида гувоҳнома бера оламиз», дейишди. Қолганини район социал таъминот бўлими ҳал қилармиш. Бу қандай гап: бири у ёққа тортади, бири бу ёққа?

Ҳозирча ҳеч ким, на завод маъмурияти, на маҳаллий комитет, на шаҳар Советидаги ўртоқлар «ҳолинг не кечди?» деб бирор марта йўқлаб келишгани йўқ. Бор умидим сизлардан...

**Ботир МАТМУРОДОВ**

## МУҲТАРАМ ДЎСТЛАР

Самарқанд вилоятининг Хатирчи ноҳияси «Олтинсой» совхози марказида Пўлкан шоир хотирасига ва унинг сулоласига бағишланган музей очиляпти. Шу муносабат билан оиламизни билган, хусусан, отам Пўлкан шоирни, ўғлим Амирқулни таниган, бирга бўлган ўртоқларда сурат, хат каби улар хотирасини ёдга солувчи манбаларни музей очилган кунгача қуйидаги адресга жўнатишларингизни илтимос қиламиз.

**Адресимиз: Самарқанд вилояти, Хатирчи ноҳияси, «Олтинсой» совхоз дирекциясига**

**Ўмарқул ПЎЛКАН ўғли**

### БИЛДИРИШ

**Ўзбекистон Мусиқа жамияти, Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Маданият нозирлиги томонидан шу йилнинг 26—28 июль кунлари Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида биринчи маротаба лапар, ялла ва ғижжак, най, танбур, дутор, қўшнай, уд, қонун созлари ижрочиларининг жумҳурият кўрик-беллашуви ўтказилади.**

**Кўрик-беллашувда ноҳия, вилоят кўриги ғолиблари иштирок этадилар.**

**29 июлда кўрик ғолиблари иштирокида якунловчи концерт намойиш қилинади.**

# ҲОРДИҚ ЎРНИГА ТАҲҚИР

Яқинда ишхона касаба союз ташкилоти ёрдамида Рига шаҳрига 5 кунлик саёҳатга бориб келдик. Қадимий, гўзал шаҳар бизни мафтун этди. Озода кўчаларни, барглари топ-тоза бўлиб яшнаб турган дарахтларни, авайлаб сақланаётган телефон қутичаларини кўриб лол қолдик. Шаҳар бўйлаб биронта деразада темир тўсиқни учратмадик. Бунақа хотиржам яшаш бизга ҳам насиб этсин, дея тилак билдирдик.

Лекин мен бошқа нарса хусусида гапирмоқчи эдим. Ригада аллақачон талон усулига ўтилган экан. Дўконларига кирганимиз бефойда эди, бунга интилмадик ҳам. Бизга алам қилгани Риганинг донғи кетган озиқ-овқатларининг бирontасидан ҳам тотмай қайтганимиз бўлди. Беш кун мобайнида сут-қаймоқ маҳсулотларига оғзимиз тегмади. Тўғриси, беришмади. Орамиздаги бир кекса онахон «Жон синглим, ҳеч бўлмаса, қаймоқдан бир қути олай, ошқозоним касал», деб ёлворса ҳам сотувчи қулоқ солмади. «Админстраторга учранг» деди совуққина қилиб. Администратор эса «Министрга бориб айтинг» деди. Дўкондан ўша аёл йиғлаб чиқди: «Бунча беҳрам булар, лаънат бунақа сиёсатга».

«Чеккароқдаги магазинларга борайлик, шояд беришса», деди аёллардан бири онахонга раҳми келиб. Йўлда бир аёлдан «Фалон жойдаги дўконга қандай борса бўлади?» деб сўраган эдик, у «Мана бундай қилиб», — деди-да, бош бармоғини икки бармоғи орасига олиб кўрсатди.

Бошқа бир латиш аёли муносабатини очиққина қилиб айтиб қўя қолди: «Йўл ўртасида туришига қаранг бу ёввойининг, қора танлида».

Шу орада бир аёл келиб мендан ўз тилида нимани- дир сўради. Мен русчалаб «Тушунмадим», дегандим у ўз тилида боплаб сўкди. Бунга нима дейсиз?

Гапни чўзмай асосий мақсадимни айтай: чекка жойларга саёҳат ташкил қилинганда баъзи бир жиҳатларга эътибор қаратилиши жуда лозим, деб ўйлайман. Биринчидан, сайёҳларга етакчи қилиб юборилган одам ҳамроҳларининг етарли дам олишлари учун ўзини тўла масъулиятли сеза оладиган киши бўлиши керак. Иккинчидан, маълум муддатга зиёратга борган сайёҳлар ҳеч бўлмаганда ўз қорнини тўйғаза оладиган миқдордаги емишни олиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Акс ҳолда, бунақа сафарлар асаббузарликдан бошқа нарса бўлмайди. 350 сўмлик ҳордиқ ўрнига таҳқир, надоматлар сотиб олиш ҳар кимга ҳам алам қилади!

**Гулсара ИСМОИЛОВА,**
**А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходими**

## куюнчак газетхонлардан хатлар

# КИМ САБАБЧИ?

Низомжоннинг орзу-умидлари бир олам эди. Афсуски, куй авжида тор узилгандек бўлди, кутилмаган фожиа туфайли у ҳаётдан эрта кўз юмди...

Низомжон Мамасолиев 1971 йили Пойариқ районидаги Қаландар қишлоғида туғилганди. 1988 йили ўрта мактабни муваффақиятли тугатиб, Самарқанд Давлат дорилфунунининг кимё факультетига ўқишга кириш учун ҳужжат топширди. Лекин омади юришмади. Сўнгра кечки бўлимда таҳсил олмоқчи бўлди, афсуски, бу сафар ҳам имтиҳондан ўтолмади. Келгуси йил ҳам худди шундай ҳол такрорланди. У уйига йиғламоқдан бери бўлиб кириб келди...

Орадан икки кун ўтгач, отаси уни тонг саҳарлаб уйғотди. Гарчи ўғлининг кўнглига ҳеч нарса сиғмаслигини билса-да, хасталиги туфайли ундан бир қоп ун олиб келишини илтимос қилди. Низомжон мактабда таълим олиш билан бирга тракторчилик курсини ҳам битирган эди. Тракторни ҳайдаб йўлга чиқди-ю, ҳеч қанча юрар-юрмас юраги тўсатдан қаттиқ оғриди. У бир амаллаб тракторни йўл четига олиб чиқиб тўхтатди. Кейин эса бир қўлини юраги устига қўйиб, ёнбошлаган куйи жон берди...

Бу ўринда биз ҳеч кимни айбдор ҳисоблай олмаймиз. Низомжонни биров уриб, заҳарлаб ёки бошқа йўл билан ўлдирмаган. Лекин унинг руҳан азоб чекишига, юрагига зўр тушишига биринчи навбатда жамиятимиз, ўзимиз айбдормасмикинмиз? Низомжон ўқишга киролмай, руҳан эзилиб юрган кезларда ота-онасидан бошқа бирор киши унинг дардига сидқидилдан шерик бўла олдимикан? Ўқишга кириш нияти йўлидаги сарсон-саргардонликлар, баъзи ўқув даргоҳларида таниш-билишчилик, пораxўрлик борлиги ҳақидаги гап-сўзлар ёш йигитнинг кўнглига ғулғула солиб, ортиқча изтироб чекишига олиб келмадимикан?..

Биз Низомжоннинг имтиҳондан ёзган ишларини кўриш учун дорилфунунга бордик. Тўрачилик ва расмиятчиликнинг кучини қарангки, ана шу иш учун тўрт соатдан ошиқ вақтимиз кетди. Ким билади, эҳтимол, ректор келиб қолмаганда, мақсадимизга эриша олмаган бўлармидик.

Низомжоннинг ёзма ишини беш минутда кўриб чиқдик, аммо унгача кайфиятимиз бузилиб бўлган эди. Чунки бизга архив материаллари ҳар кимга ҳам кўрсатилмайди, деб қаршилик кўрсатишганди. Хўш, нега? Биздан нимани яширишади? Ахир, бу ерда ҳарбий сир ёки бошқа қимматбаҳо маълумот йўқ-ку?

**Б. МЕЛИКОВ,**
**А. ПАРДАЕВ**

# ХАЙРЛАШУВ ДАҚИҚАЛАРИ

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида битирувчиларни кузатиш яхши анъанага айланиб бормоқда. Ана шундай хайрлашув кечаси кутубхоначилик факультети битирувчилари билан бўлиб ўтди. Уни кутубхонашунослик кафедрасининг мудири, профессор О. Қосимоова очди ва мазкур мутахассислик ҳақида сўзлади.

Институт кадрлар бўлимининг бошлиғи Т. Турсунбоева битирувчиларнинг ҳуқуқлари ва уларни ишга жойлаштириш мавзуида гапирди.

Кеча сўнггида 4 курс талабалари атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий ҳаёти ва асарлари мавзуида театрлаштирилган томоша намойиш этдилар.

**М. СОДИҚОВА**

